



**“Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажақ яратамиз!”**

2-с.

**Бахтли оила мезони, бу — аёлнинг қувончи ва қалбининг шодлигидир**

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**№28  
(2356)**

**2026 йил  
4 АПРЕЛЬ,  
ШАНБА**

# Маҳалла

**ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН**

WWW.UZMAHALLA.UZ

## 2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

### Очиқ мулоқотда “маҳалла еттилиги” фаолияти таҳлил қилинди

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев пойтахтимизнинг Сергели туманидаги “Янги Бунёдбод” маҳалласида барпо этилган янги кутубхонада ҳудуддаги 46 нафар маҳалла раислари билан очиқ мулоқот ўтказди.



Унда маҳаллаларда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ишлар, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шунингдек, ажралиш ёқасидаги оилаларни яраштириш борасидаги фаолият ҳолати атрафлича таҳлил қилинди.

Мулоқот жараёнида маҳалла раисларининг мавжуд муаммо ва тақлифлари тингланиб, уларни ҳал этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди. Шунингдек, хизмат фаолиятида фойдаланиш учун 5 нафар маҳалла раисига янги планшетлар топширилди. Бу эса маҳаллаларда “Рақамли маҳалла” тизими орқали ишларни самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Учрашувда тизим ривожига муносиб ҳисса қўшаётган ҳамда фаолиятида юқори натижаларга эришаётган “маҳалла еттилиги” аъзоларини рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида “Навбахор” сиҳатгоҳига йўланмалар берилиши режалаштирилган.

### БУГУНГИ СОНДА:

#### Меҳнат, сабр ва қатъият — ҳар қандай ишда муҳим

“Бекзод — 29 ёшда. Бу ёшда ўз бизнесини йўлга қўйиш, шогирдлар етиштириш — ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Мен ёшлар етакчиси сифатида у каби йигитларни алоҳида эътироф этаман ва бошқаларга намуна қилиб кўрсатаман”.

5-с.

#### Мақсадларимиз муштарак, қалб риштаси мустаҳкам

Бошқаларнинг бахтли ҳаёт кечирishi учун қайғуриб яшашнинг гашти ўзгача. Бу туйғунинг тотини фақат маҳалла тизимида ишлаётганларгина билади. Халқ ичида юриш, мақсадларнинг ўзаро муштараклиги қалб ришталарини туташтиради.

6-с.

#### “Огоҳ тадбиркор” фирибгарнинг шубҳали хатларидан огоҳ этади

Баъзи тадбиркорлар даромадларини тўлиқ кўрсатмайди, айримлари хали ҳам фаолиятини расмий рўйхатдан ўтказмаган. Дўкнорларда чек бермаслик бор...

7-с.

#### Осойишта тонг отиши — завқли меҳнат натижаси

“Аҳоли профилактика инспекторини нафақат ҳуқуқ-тартибот посбони, балки маслаҳатчи, дўст ва ишончли суянч сифатида ҳам қадрлаши, ҳурмат қилиши керак. Бунинг учун халққа яқин бўляпман. Қайси хонадонда муаммо бўлса, уларга елкадошман”.

8-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг!

@mahalla\_raislari

@mahalladosh\_1

@mahalladosh



ТАНЛОВ

### МАҲАЛЛАНГИЗ ҚИЁСАДАГИ ЎЗГАРИШЛАРГА СИЗ ҲАМ ҲИССА ҚЎШИҢГ!

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси “Маҳаллам — лойиҳам” дастури доирасида танлов эълон қилди.



Маъқур ташаббус маҳаллаларни ривожлантиришга қаратилган энг яхши гояларни аниқлаш ва аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишни мақсад қилган. Бу — оддий тақлифдан аниқ натижагача бўлган йўлдир.

Танловда 18 ёшга тўлган барча фуқаролар ўз ташаббуслари билан қатнашиши мумкин. Сизнинг касбингиз ёки соҳангиз муҳим эмас, муҳими — маҳаллангиз тақдирига берадиган тақдирингиз.

Иштирокчилар ўз маҳалласидаги долзарб муаммолар бўйича лойиҳа тақлифларини “маҳалла еттилиги”га тақдим этади. Энг муҳим ва долзарб ташаббуслар “Рақамли маҳалла” платформасида овоз бериш орқали сараланнади.

Жараён тўлиқ очик ва шаффоф тарзда амалга оширилади. Платформада энг кўп овоз тўплаган лойиҳалар амалиётга жорий этилади ҳамда 100 миллион сўмгача молиявий қўллаб-қувватланади. Ташаббусларни амалиётга жорий этишда 10 нафаргача координаторлар танлаб олинади ва улар иш жараёнини мувофиқлаштириб боради.

Маҳалланинг қиёфаси, ундаги муҳит ва қўлайликлар, бириччи навбатда, ўзимизга боғлиқ. Агар Сизда ажойиб гоя бўлса, уни амалга ошириш учун маблағ ва имконият тайёр!

Фаол бўлинг, ташаббус кўрсатинг ва маҳаллангиз ривожини учун ўз ҳиссангизни қўшинг!



## ТАБИАТ БИЛАН УЙҒУН ЯШАШ ФАЛСАФАСИ

**ҲАР БИР ХОНАДОН, КЎЧА ВА МАҲАЛЛАДА БЎЙ КЎРСАТАДИ!**

Халқимизда “Яхшидан боғ қолади” деган чуқур маъноли нақл бор. Азал-азалдан байрам кунларида ёки хонадонда фарзанд дунёга келганда ният қилиб кўчат экиш, атраф-муҳитни гулзор этиш ўзбек хонадонининг ёзилмаган қонуни, муқаддас қадрияти бўлиб келган. Бугун давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ана шу тарихий анъаналаримизни янги босқичга олиб чиқди.

Ўзбек халқи учун дарахт — ҳаёт тимсоли. Қадимдан ота-боболаримиз йўл четларига соя-салқин берадиган чинорлар, томорқаларга эса барака келтирувчи мевали дарахтлар эккан. Бу жараён шунчаки деҳқончи-

лик эмас, балки табиат билан уйғун яшаш фалсафаси эди. Наврўз кунларида маҳалла-қўй бўлиб хашар қилиш, ариқларни тозалаб, гулу райхонлар экиш орқали инсон ва табиат ўртасидаги ришталар мустаҳкамланган.

Бугун “Яшил макон” лойиҳаси ушбу эзгу одатни миллий даражадаги стратегик мақсадга айлантirdи. Айни лойиҳа доирасида ҳар йили 200 миллион туп кўчат экиляпти, ўтган даврда 2 минг гектардан зиёд майдонда 942 та яшил боғ ва яшил жамоат парклари, 47 та массивда “Янги Ўзбекистон боғлари” барпо этилди. Республиканинг тоғ, чўл ва адир ҳудудларида 256 минг гектар ўрмон ташкил қилинди.

Давоми 2-саҳифада.



5-САҲИФА

### “МЕН БОҒ БАРПО ЭТИШГА ЧОҒЛАНДИМ, СИЗ ҲАМ ЮРИНГ...”

“Бугун маҳалла фуқаролар йиғини биносига бораман, кўшнларимиз билан кўчаларимизни янада обод қилиш тўғрисида суҳбат ўтказаман. Президентимизнинг “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш борасида қилган маърузасида белгиланган вазифаларни уларга етказаман”.





**МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ҚАРОРИ БИЛАН “Ташаббусли бюджет”да ғолиб бўла олмаган 47 та лойиҳа қўшимча равишда ғолиб, деб топилди.**



**Эндиликда маҳалла биноларида Фавкуллда вазиятлар вазирлиги инспекторлари учун МАХСУС ХИЗМАТ ХОНАЛАРИ ташкил этилади.**



**Миллий статистика қўмитаси: ўтган йилда хорижий давлатлардан жами 1159 нафар шахс ЎЗБЕКИСТОНГА ДОИМИЙ ЯШАШ УЧУН кўчиб келган.**

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

**ЯШИЛ МАКОН**

**ТАБИАТ БИЛАН УЙҒУН ЯШАШ ФАЛСАФАСИ**  
*ҳар бир хонадон, кўча ва маҳаллада буй кўрсатади!*

Давоми. Бошланғич 1-сўҳба.

Санжар ИСМАТОВ.

**ЯШИЛЛИК ДАРАЖАСИ 30 ФОИЗГА ЕТКАЗИЛАДИ**

Президент Шавкат Мирзиёев — жорий йил 1 апрель кунини “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш тадбирида иштирок этиб, Миллий дендрология боғини барпо этишга старт берди.

Давлатимиз раҳбарининг шахсан кўчат экиш жараёнларида иштирок этиши ва жамоатчиликка ўрнак бўлиши, бу — шунчаки рамзий маъно эмас. Бу — иқлим ўзгаришлари, чанг бўронлари ва сув тақчиллиги каби таҳдидларга қарши қаратилган кучли сиёсий ироданинг амалий ифодасидир.

Сўнги йилларда республикамизнинг яшиллик даражаси сезиларли даражада ўзгарди. Тахлилларга кўра, лойиҳа бошлангунга қадар юртимиздаги яшиллик даражаси бор-йўғи 8 фоизни ташкил этган бўлса, бугун мажмуур кўрсаткич 14,2 фоизга етди. Бу шунчаки рақам эмас, балки шаҳар ва қишлоқларимизда ҳаво сифатининг яхшиланиши, тупроқ емирилишининг олдини олиш ва биологик хилма-хилликни қайта тиклаш йўлидаги улкан қадамдир.

**Президентимизнинг чақириви — ўзлигимизга қайтишга чорловдир. “Маҳалла еттилиги”, оқсоқоллар, онахонлар ва хотин-қизлар вакиллари бу ҳаракатнинг “локомотиви”га айланиши керак. Зеро, бугун экилган биргина кўчат эртага катта бир боғга, боғ эса келажак авлодлар учун фаровон ҳаёт ва тоза ҳаво манбаига айланади. Яшиллик бор жойда эса баракка, саломатлик ва келажакка интилиш бўлади.**



Президентимиз жорий йил 25 март санасида имзолаган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонга мувофиқ, 2030 йилга қадар мамлакатимизда умумий яшиллик даражасини 30 фоизга, жон бошига тўғри келадиган яшил ҳудудларни 10 квадрат метрга етказиш бўйича катта мара ба белгиланди. Шубҳасиз, бундай кенг кўламли режа Ўзбекистонни минтақадаги энг яшил ва яшаш учун қулай мамлакатлардан бирига айлантиради.

Худудларда яшил боғлар яратиш бўйича аҳоли ва депутатлар иштироки янада кенгайтирилади. Мисол учун, илгари “Менинг боғим” дастури доирасида ҳар бир лойиҳага бюджетдан 250 миллион сўмгача маблағ берилган бўлса, энди бу миқдор 400 миллион сўмга оширилади. Ҳар бир яшил боғ ва жамоат парки учун аҳоли ўзи танлаган, яшаш ҳудудларига яқин ва энг муҳими, сув таъминоти мавжуд жойлардан 1 гектаргача ер ажратилади. Қолаверса, Қонунчилик палатасининг ҳар бир депутатида ўз округида яшил ҳудуд ва яшил боғ яратиши учун 412 миллион сўмдан маблағ берилади. Бу янги тартиб маблағларнинг айнан халқ овоз берган ва долзарб деб билган яшил ҳудудларга йўналтирилишини кафолатлайди.

**“ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ”**  
Президентимиз халқимизда “Яхшидан боғ қолади”, “Бир кўчат — минг баракка”, “Фарзанд кўрсанг, тўй қилсанг, дарахт эк”, деган ҳикматли сўзлар бежиз айтилмаганини таъкидлади. Бугун ўшбу қадриятларни тиклашда маҳалла раислари, нуронийлар ва хотин-қизлар вакиллари асосий куч сифатида майдонга чиқиши керак.

Шу маънода давлатимиз раҳбари барча фаолларни жойларда миллий урф-одатлар, анъана ва қадриятларни янада кенг-роқ тарғиб қилишга, клублар ва жамоалар ташкил этиб, ҳар бир кўча, хонадон, йўл бўйларига ниҳол ва гуллар, қир-адирларга дарахт ва буталар экишда бош бўлишга чақирди.

Зотан, ўзбек халқи азалдан сувни муқаддас, ерни эса баракка манбаи, деб билган. “Бир кўчат эксанг, минг баракка топасан”, деган нақл шунчаки деҳқончилик тавсияси эмас, балки табиат олдидаги масъулиятдир. Фарзанд туғилганда унга атаб ниҳол қадаш, тўйлар муносабати билан боғ яратиш каби қадриятлар халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Бугун мана шу “яшил анъана”ларни қайта тиклаш вақти келди.

Давлатимиз раҳбари тавсияси асосида ҳар бир маҳаллада “Боғдорчилик мактаби” ёки “Гулчилар клуби” каби ихтиёрий жамоалар тузилиши ёшларни меҳнатга ва гузалликни қадрлашга ўргатади. Агар маҳалла фаоллари бошчилигида ҳар бир кўча ва хонадон ўз олдига кичик боғ яратишни мақсад қилса, бу бутун юртининг иқлимни ўзгартиришга қодир кучга айланади.

Худди шундай, бугунги ёшларни интернет ва гаджетлар дунёсидан бир зумга бўлса-да узиб, табиатга яқинлаштириш керак. Бола ўз қўли билан эккан ва сурорган дарахтининг ўсишини кўрса, унда ватанпарварлик ҳисси шаклланади. Кўчат экиш жараёнида нуронийларнинг ёшларга дуо бериши, деҳқончилик сирларини ўргатиши “Устоз-шогирд” анъанасини маҳалла даражасида жонлантиради. Гуллар ва яшиллик ичида улғайган боланинг дунёқараши кенг, қалби пок бўлади.

Аслида, дарахт экиш, бу — шунчаки кўкаламзорлаштириш эмас, бу — ахлоқ. Дарахт эккан одам келажакни уйлайди. Келажакни уйлаган одам ёмонликдан тийилмайди. Шу маънода маҳаллаларда “Яхшидан боғ қолади” тамойилининг кенг тарғиб қилиниши қўни-қўшничилик ришталарини янада мустаҳкамлайди, томорқа маданияти оилалар фаровонлигини оширади.

**ТАДРИК**

**“Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!”**

**“Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.**

Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” деган бош ғоя асосида кенг нишонланади. Айтиш керакки, бу шир замирда мамлакатда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг ягона мақсад йўлида бирлашиши, ислохотларнинг марказида инсон манфаатлари туриши мумкин.

Байрам тадбирларида аҳоли турмуш фаровонлиги ва муҳофаза салоҳиятини оширишга қаратилган ислохотларга урғу берилади. Истиқлол туфайли миллий кадриятлар, давлатчилик, фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, маҳалла тизимини ривожлантириш бўйича эришилган ютуқ ва натижалар аҳамияти кўрсатилади. Нуронийлар, хотин-қизлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам манфаатларини таъминлаш, ёшларнинг “Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлари” сифатида билим ва касб эгаллаши, иқтидорини рўёбга чиқаришга зарур шароитлар яратилганига эътибор қаратилади.

Қарорга кўра, апрель-сентябрь ойлари давомида республика бўйлаб кенг кўламли маънавий-маърифий тадбирлар ва ижтимоий лойиҳаларни ўз ичига олган “Мустақиллик тўйи” (фестивали) тадбирлари ўтказилади.



**“Ватан фидойилари” рамзий монументи лойиҳаси ишлаб чиқилиб, у ҳудудларда “Умуммиллий бирдамлик” боғларининг марказий қисмидан жой олади. Бу меъморий обида мустақиллик ва суверенитет ғоялари, Янги Ўзбекистон бунёдкорлари қиёфасини ўзида акс эттирган ватанпарварлик тимсолига айланади.**

**“Мустақиллик зафарномаси” китоб-альбому ва “35 йиллик Истиқлол йилномаси”** ружни остидаги ҳужжатли фильмлар туркуми 35 йиллик машаққатли ва шарафли йўлнинг хронологик солномасини ўзида акс эттиради.

Ижтимоий тармоқлардаги #Mustaqillik35 ва #Uzb35 хештеглари остидаги тарғибот ишлари замонавий ахборот маконида Янги Ўзбекистон имижини яратишда муҳим роль ўйнаса, хориждаги ватандошлар иштирокидаги “Мустақил Ўзбекистон — ғурурим, ифтихорим!” шир остидаги тадбирлар миллий ўзлик туйғуси чегара билмаслигини, Ўзбекистон ўз диаспораси билан доимий алоқада эканини тасдиқлайди.

Қарорга кўра, “Мустақилликнинг 35 йиллиги” эсдалик олтин тангасининг зарб этилиши ва янги ташкил этилган маҳаллалардан ҳамда темир йўл станцияларидан бирига шу номнинг берилиши воқелининг иқтисодий ва рамзий аҳамиятини оширади. Август ойида Тошкентда ўтказилган “Мустақил Ўзбекистон — 35 йиллик тараққиёт йўли: ислохотлар, натижалар ва истиқболлар” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ислохотларнинг илмий асосларини дунё ҳамжамиятига тақдим этиш ва келгуси истиқболларни белгилаб олиш учун мулоқот майдони бўлади.

**Умуман олганда, Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигининг 35 йиллик доvonини улкан ютуқ ва марралар билан қарши олишга тайёргарлик кўрапти. Президентимизнинг юқоридаги қарори нафақат байрам тадбирларини ташкил этиш тартибини белгилаб беради, балки мамлакатнинг ўтган даврдаги тарихий йўли ва келажакдаги стратегик мақсадларини сарҳисоб қилувчи муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилади.**

**ОБОД ВА ФАЙЗЛИ ГЎША**

**Давлатимиз раҳбарининг “Алоҳида туман (шаҳар) ва маҳаллаларни аҳолининг яшashi ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун намунали ҳудудга айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Риштон туманида “Бўстон” ва “Зоҳидон” маҳаллаларига “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” мақоми берилди.**

**Саминжон РЎЗИБОВЕВ, Риштон туманидаги “Бўстон” маҳалласи раиси.**

Янги лойиҳа маҳалламиз меъморий қиёфаси, одамлар ҳаёт тарзига янгича руҳ, кўтаринчилик олиб кирди. Ташаббусли доирасида маҳалла аҳолини шу жойнинг ўзида иш билан таъминлайдиган намунали масканга айлантирилди. “Бўстон” маҳалласи “Фарғона — Қўқон” катта автомобиль йўли ёқасида жойлашган. Олти мингдан ортиқ аҳоли умргузаронлик қилаётган маҳаллада ечимини қутаётган масалалар бор эди. Хусусан, инфратузилма ҳолати талабга жавоб бермас эди, тиббиёт пункти, ички йўллар таъмирталаб ҳолга келиб қолганди, спорт билан шуғулланиш учун имкониятлар етарлича эмас эди.

Хозирга қадар йигинининг мавжуд инфратузилмасини яхшилаш билан боғлиқ эҳтиёжлар ўрганилиб, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқилди. Унга кўра, ажратилган 5 миллиард сўм маблағ эвазига аҳоли бандлиги таъминланиб, камбағалликдан чиқариш учун шарт-шароитлар яратилди. Маҳаллада 40 та микролояиҳа ишга туширилди. Хусусан, кичик ишлаб чиқариш тармоғи кенгайтириб, туризм, томорқачилик, чорвачилик ишлари жадаллашди. Натижада реестрдаги 23 та оила камбағалликдан чиқарилади.

**“БўСТОН”ДА МЕЪМОРЧИЛИК ВА ФАРОВОНЛИК МЕЗОНЛАРИ УЙҒУНЛАШАДИ**



**Замонавий поликлиника, ёшлар спорт-соғломлаштириш мажмуалари қурилади. Марказий кўчаларга ўриндиқлар ўрнатилиб, 4 километр йўл асфальт қилинади. Истеъмом юқори бўлган 15 та уй-жойга энергия тежовчи муқобил қурилма-лар ўрнатилди. Маҳалладаги ижтимоий соҳа объектлари давлат-хусусий шериклик асосида таъмирланиб, замонавий иситиш тизимлари қурилади.**

Сирасини айтганда, ҳудудда “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” концепцияси доирасида қамраб олинган масалалар кенг ва ранг-баранг. Асосий мақсад — аҳоли фаровонлигини ошириш орқали уларга муносиб шарт-шароит яратиш. Бу ишларда аҳоли ташаббускорлиги, ҳамжихатлиги орқали бормоқда. Ишонимизки, қисқа фурсатда “Бўстон” маҳалласи номга муносиб кўркем ва файзли масканга айланади.


**Саҳифани “Mahalla” муҳбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.**



**“ЎЗБЕККОСМОС” АГЕНТЛИГИ:** биринчи ўзбек космонавтини коинотга учирish бўйича АҚШ, Россия ва Хитой билан музокаралар олиб бориляпти.



**Ўзбекистонда эскирган автомобилни топширганларга АВТОКРЕДИТ ФОИЗИНИНГ БИР ҚИСМИ қоплаб берилади.**



**Ўзбекистонда ҲАВО СИФАТИ ЁМОНЛАШГАНДА** давлат хизматчилари масофавий ишга ўтказилиши мумкин.

**2026 йил 4 АПРЕЛЬ, ШАНБА**

**Ma'halla №28**

**3**

## ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

**ТАНҚИДДАН СЎНГ...**

**Маҳаллага хизмат кўрсатилмагани учун тўловлар қайта ҳисоб-китоб қилинади**



**Газетамизнинг жорий йил 28 мартдаги 26- сониди “Хизмат йўқ, тўлов бор, бу — адолатданми?” сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган эди. Кўни кеча тахририятимизга Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлигидан жавоб хати келди.**

**Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.**

**ТАЖРИБА**

## Тадбиркорлар иш излаб юрган одамлар изидан қолмасин...

**...Равшанбек Жумабоев узок вақтдан бери сартарошлик касби билан шуғулланиб келарди. Бироқ унинг фаолиятини кенгайтириш, замон талабларига мос хизмат кўрсатиш учун қўшимча маблағ ва амалий кўмак зарур эди. Ёрдамимиз билан сартарошхонасини замонавий жиҳозлашга ва ташир буюрувчи мижозлар учун барча қулайликларни яратишга муваффақ бўлди.**



**МЕНДА САВОЛ БОР...**

**Маҳмуджон АСҚАРОВ, Чортоқ тумани:**

— Якка тартибдаги тадбиркор раҳбарлигида фаолият юритаман. Икки йилдан бери меҳнат таътилига чиқмадим. Қонунчиликда якка тартибдаги тадбиркор ходимларига меҳнат таътили бермаса ҳам бўлаверадими?

**ЯТТДА ИШЛАГАНЛАРГА МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ БЕРИЛАДИМИ?**

**Аброрбек ЭЪЗОЗОНОВ, “Мадад” НТТ ҳуқуқшуноси:**

— Ҳозир кўпчилик якка тартибдаги тадбиркорлар Меҳнат кодексидagi мейёрлар бизга тегишли эмас, деб уйлашади. Аслида, бу — хато фикр. Чунки қонун талабларига улар ҳам бирдек амал қилиши шарт.

Жумладан, кодекснинг 509-моддасига асосан, иш тартиби, дам олиш кунларини ва йиллик меҳнат таътиллари бериш ҳодим билан якка тартибдаги тадбиркор ўртасидаги келишувга кўра белгиланади. Бунда иш ҳафтасининг давомийлиги ушбу кодексда белгиланганидан кўпроқ, йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги эса қисқароқ бўлиши мумкин эмас.

Меҳнат кодексининг 217-моддасида ҳар йилги асосий таътил 21 календарь кундан кам бўлмашлиги кераклиги белгиланган. Демак, ЯТТлар ҳам ўз ходимларига ҳар йили 21 календарь кундан кам бўлмаган асосий меҳнат таътили бериши керак. Бунда аниқ мuddат ЯТТ ва ходим ўртасидаги меҳнат шартномаси билан тартибга солинади.

Агар ходимнинг ишлаётган иши меҳнат шароитлари жиҳатидан ноқулай бўлса ёки у ноқулай иқлим шароитида ишлаётган бўлса, кодекснинг 219-моддасига ва 481-, 483-моддаларига мувофиқ, қўшимча меҳнат таътиллари ҳам бериллади.



**Чорвачилик йўналишида фаолият юритаётган Алишер Камолов бугунги имкониятлардан мамнун. У кўп йиллардан буён чорва парварлиши билан шуғулланиб келган бўлса-да, ишни кенгайтиришга маблағи етмас эди. Кўрсатилган кўмак натижасида 8 бош қўй сотиб олди.**

**Мурод ҚўЧҚОРОВ, Амударё туманидаги “Янгиобод” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.**

Х а, англаганингиздек, маҳаллада бандлиқни таъминлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича ўзига хос тажриба яратилган. Мисол учун, жорий йилнинг биринчи чорагида 7 нафар фуқаро ўз чорвачилик, паррандачилик, тикувчилик, хизмат кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқариш йўналиши учун имтиёзли кредит олишга кўмаклашди. Қўвонарли жиҳати, ташаббускорларнинг аксарияти ёшлар. Шунингдек, озик-овқат савдо шохобчаси, хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш йўналишларида учта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Бу эса маҳалла аҳли учун қўшимча қулайлик ва янги иш ўринлари демакдир. Фақатгина кредит бериш билан чекланиб қолмасдан, фуқароларнинг билим ва кўникмаларини оширишга ҳам алоҳида ургу берилмоқда. Жумладан, касб-хунар ва тадбиркорлик сирларини ўрганиш истагида бўлган 4 нафар фуқаро махсус ўқув курсларига йўналтирилди. Улардан уч нафари тадбиркорлик асосларини, бир нафари касб-хунарни мукамал эгаллашга киришди.

Маҳаллада камбағалликни қисқартириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўрилмақда. Аброр Алпамов ана шу имкониятдан фойдаланиб, томорқасини доимий даромад манбаига айлантирди. Яна бир вақилимиз Акбар Одилов рассомлик ва хайкалтарошлик билан шуғулланиб келмоқда. Истеъдодини намойиш этиш баробарида, санъат асарлари орқали моддий манфаат топмоқда.

Келгуси режалар янада улкан. Норасмий секторда ишлаётганларни расмий банд қилиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади. Тўғри, сўнгги йилларда ишсизлар сони кескин қисқарди. Аммо бу — бизни қаноатлантирмайди. Асосий мақсад — одамлар иш қидириб эмас, тадбиркорлар ишчи қидириб юришига эришиш.



**Саҳифани “Ma'halla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.**

— Газетада мақола чоп этилгач, бошқарма бошлиғи Анвар Мамадалиев бошчилигида мутахассислар келди, — дейди мурожаатчи Илҳом Мамасолиев. — Кўпчиликнинг олдида узр сўраб, биздан хато ўтибди, дейишди. Лекин муносабатда аксинча, бизни айблашди.

Вазиятга оидлик киритиш учун яна Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлигининг вилоят бошқармаси бошлиғи Анвар Мамадалиев билан боғландик. Раҳбарнинг маълум қилишича, юқоридаги муносабат фақат бир мурожаатчига тегишли бўлиб, аслида, 3 ойдан бери маҳаллага хизмат кўрсатилмаётган экан. Шу боис “Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш” қоидаларининг 34-бандига мувофиқ, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш кетишда хизмат кўрсатилмаган ёки тегишли бўлмаган хизматлар кўрсатилгани бўйича далолатнома тузилган. Шу асосида хизмат кўрсатувчи ташкилот тўловларни қайта ҳисоб-китоб қилиб беради.

**ТОМОРҚА — ДАРОМАД МАНБАИ**

## “Қаловини топсанг, 3 сотихдан 300 миллион сўм фойда келади”

**Қўштепа туманидаги “Гармдон” маҳалласида яшовчи Юнусхон Мирзахонов хонадонидagi 3 сотих томорқада ташкил этилган иссиқхона орқали юқори даромад манбаини яратишга муваффақ бўлди.**

**Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси ахборот хизмати бошлиғи.**

Иста кўчатлари, узум қаламчалари, манзарали гуллар ҳамда павловния кўчатлари парвариш қилиб, бозор талабига мос равишда етиштирмоқда. Ихчам майдондан самарали фойдаланиш натижасида йиллик даромад қарийб 300 миллион сўмни ташкил этмоқда.

**Мазкур тажриба томорқадан унумли фойдаланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромад манбаини кенгайтириш борасида амалий намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Қаҳрамонимиз “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида Қўштол кўчасидаги қўширтга ҳам томорқачиликни ўргатиб келмоқда.**



Бундан ташқари, ҳудудда ёшлар бандлигини таъминлаш борасида янги тажриба тўпланган. “Еттилик” тавсияси билан ишсиз, миграциядан қайтган йигит-қизларга ер ажратилди. Қолаверса, 33 нафар ишсиз ёшларга тури йўналишларда имтиёзли кредит берилди. Расулжон Тоҳировнинг уч нафар ўғли бор. Аммо фарзандларининг муқим иш жойи, доимий даромад манбаи йўқ эди. Шу сабабли улар бир мuddат хорижда ишлаб келди. Ниҳоят “еттилик” кўмагида бу оила вакиллари ҳам ерли, ҳам даромадли, ҳам ишли бўлди.



Тошкент туманида яшовчи Одилжон ва Севара Абдуллаевалар оиласида бирйўла 4 нафар эгизак фарзанд туғилди.



Ўзбекистонда эндиликда поезд ташувчи айби билан кечикса, йўловчиларга компенсация тўланади.



2026 йил якунига қадар пойтахтдаги барча автотранспорт воситаларига экологик тоифасини тасдиқловчи ЭКОЛОГИК СТИКЕРЛАР БЕРИЛАДИ.

## “ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

### Ҳам спортда, ҳам санъатда моҳиралар — фахримиздир!

Маҳалладошимиз Парвина Шакарова бир неча йилдан буён спортнинг бокс тури билан шуғулланади. Шу кунга қадар кўплаб мусобақаларда ғолибликни қўлга киритиб, юртимиз байроғини кўкларга кўтариб келяпти. Хусусан, ўтган йили у 47 килограмм вазн тоифасида Осиё чемпиони бўлди. Бу ғалаба ва ғурур бошқа ёшларимизни илҳомлантираётгани жуда қувонарли.

Фароғат ХУДОЙБЕРДИЕВА, Каттакўрғон туманидаги “Фарб Мачит” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Шодиёна Маҳмудованинг эса энгил атлетикадан мақтас арзигулик ютуқлари бор. Эндигина 17 ёшни қаршилаган спортчимиз республика ва халқаро миқёсдаги беллашувларда доим юқори натижаларни забт этиб келяпти. Бундан ташқари, маҳалламизнинг бўш турган хонасида гимнастика тўрағини ташкил этган. У кам таъминланган ва эҳтиёжманд оила фарзандларига ўз маҳорат сирларини моҳирлик билан ўргатиб келяпти. Бундай интилувчан ва шижоатли қизларимизга қараб ич-ичимиздан фахр хиссини туюмиз.

Аёлларимиз ҳам жим ўтиргани йўқ. Худудимизда истиқомат қиладиган хотин-қизларнинг 90 фоизга яқини самарали меҳнат билан банд. Улар “драйвери”миз ҳисобланган савдо ва хизмат кўрсатиш йўналиши ҳамда хунармандчилик ортидан рўзғорига барака киритиб келяпти.

Дилфуза Шомуродова — моҳир чеварларимиздан. У бўш турган бинода ташкил этган тикувчилик цехида бугун 4 нафар хотин-қизнинг доимий бандлиги таъминланган. Жорий йил бошида тадбиркорга тақдим этилган 5 миллион сўм имтиёзли кредит фаолиятини янада кенгайтириши учун қўшимча дастак бўлди. Келгусида Дилфуза опа янгидан-янги услубдаги либослар устида ишлаб, мижозлари сафини кенгайтиришни мақсад қилган.



Бугун ёшларимиз яратиб берилаётган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланяпти. Йилдан-йилга олий таълим муассасига ўқишга қираётган битирувчиларимиз сафи кенгаймоқда. Уларнинг ўз устида ишлашга, ўқиб-ўрганишга бўлган иштиёқи ортиб борапти.

Айни вақтда “Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари ҳамда маҳалламизнинг фаол қизлари билан биргаликда янги лойиҳа устида ишлаяпмиз. Унга кўра, оғир оилавий шароитда яшаётган ҳамда ўқишдан ортда қолаётган ўқувчи қизлар учун махсус учрашув ва тадбирлар ташкил этилади. Уларнинг ички имкониятларини юзага чиқариб, янги мақсадлар сари ҳаракат қилишга ундамоқчимиз. Назаримда, бу ташаббус тез орада ўзининг ижобий натижасини кўрсатади. Зеро, маҳалладаги ҳар бир болага алоҳида эътибор ва меҳр билан ёндашилса, уларнинг ҳаётда ўз йўлини топиб кетиши анча осон кечади.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Халқимиз азалдан ерга меҳр қўйган, унинг ҳар қаричидан унумли фойдаланишни ҳаёт тарзига айлантирган. Зеро, ер — нафақат ризқ-насиба манбаи, балки инсоннинг меҳнати, сабри ва орзунтилишлари меваси мужассам бўлган муқаддас неъматдир.

### ТОМОРҚАСИ ТЎЛГАННИНГ ТЎКИНДИР ДАСТУРХОНИ

Нигина ШОЕВА, журналист.

Айниқса, бу эзгу йўлда хотин-қизларнинг фаоллиги эътиборга молик. Улар нафақат оила бекаси, балки тадбиркор, меҳнатқаш ва ташаббускор сифатида ҳам ўз салоҳиятини намойён этмоқда. Шўрчи туманининг “Каттасовур” маҳалласида яшовчи Дилфуза Мўминова ана шундай гайратли аёллардан бири.

У ёш бўлишига қарамай, оила аъзолари билан биргаликда томорқадан самарали фойдаланиб, кичик майдондан катта даромад олиш мумкинлигини амалда кўрсатмоқда. Дилфузанинг томорқасидаги 5 сотих ер майдонда замонавий иссиқхона ташкил этилган бўлиб, бу ерда, асосан, лавлаги етиштирилади. Ҳар бир эгатга меҳр билан қаралган, ҳар бир ниҳол эса унинг эътибори ва парвариши билан ўсиб-улғаймоқда.



— Ноябрь ойида лавлаги экиб, уни парвариш қилишга киришдик, — дейди Дилфуза Мўминова. — Бугун эса меҳнатимиз самарасини кўряпмиз. Ҳосил пишиб етилди, истеъмолга тайёр. Энди уни бозорга олиб чиқиб, харидорларга таклиф қилиш ниятимиз бор. Энг муҳими, инсон ишлашдан чарчамаслиги керак. Томорқа, бу — шунчаки ер эмас, у рўзғоримизнинг ҳақиқий хазинаси.

Дарҳақиқат, бугун юртимизнинг турли ҳудудларида ана шундай меҳнатқаш инсонлар сафи тораб кенгаймоқда. Улар томорқадан унумли фойдаланиб, нафақат ўз оиласининг эҳтиёжини қондирапти, балки бозорларимиз тўқинлигига ҳам муносиб ҳисса қўшапти.

Амалга оширилаётган ислохотлар, жорий этилаётган янги тизимлар ва ижтимоий хизматлар тизими айнан шу тамойилга асосланиб, аёлнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашни устувор вазифа сифатида белгиламоқда.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг “Биз ўз олдимизга, аввало, инсон бахти, инсон қадри учун хизмат қиладиган улкан мақсадлар қўйганмиз. Чунки инсон бахти оиладан бошланади, оила эса аёл билан мустақкам. Ҳеч шубҳасиз, бу борада қизларимизнинг маънавий тарбияси ҳал қилувчи ўрин тутади”, деган фикрларини келтириш айни мудоао бўлар эди.




Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМҲУЖАЕВА тайёрлади.

ЗЎРАВОНЛИК ЗЎР ЙИГИТНИНГ ИШИ ЭМАС

## Бахтли оила мезони, бу — аёлнинг қувончи ва қалбининг шодлиғидир

Ҳар қандай тазйиқ ва зўравонлик фақат бир шахснинг ҳуқуқларини бузиш билан чекланиб қолмайди. Бу келажак авлод тарбияси, унинг руҳий ҳолати ва жамиятнинг умумий ривожига бевосита таъсир кўрсатадиган хавфдир.

Фарид НАЗАРОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги юридик бўлими бошлиғи.



Рақамларга эътибор қаратсак, 2025 йилда 42 минг 641 нафар шахс кундузги қатнов шаклида, 7 082 нафар хотин-қиз эса бирламчи кўмак хоналарида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ёрдамидан фойдаланган. Жумладан, 25,6 мингта психологик, 26,7 мингта ҳуқуқий ва 26,2 мингта ижтимоий хизматлар кўрсатилган.

Шунингдек, чуқурлаштирилган реабилитацияга муҳтож бўлган 1 004 нафар хотин-қиз ва 1 431 нафар уларнинг вояга етмаган болаларига Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳудудий марказларида хизмат кўрсатилди. Бу аёлнинг руҳий ҳолатини тиклаш, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш билан бир қаторда, унинг иқтисодий мустақиллигини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, касбий кўникмаларини ривожлантириш, ижтимоий мослашувини таъминлаш эса келгусидаги фаровон турмушини таъминлашни шубҳасиз. Натижада аёл зўравонлик муҳитидан чиқиб, мустақил, барқарор ва хавфсиз ҳаёт кечириши имкониятига эга бўлади.

ДАРОМАД МАНБАИ

### Ерга меҳр, деҳқонга илм керак

Бугунги кунда иссиқхона шароитида помидор ва бодринг етиштириш орқали кўплаб аёллар ўз бизнесини йўлга қўйиб, барқарор даромад манбаига эга бўлмоқда.

А.БҮРИЕВ, журналист.

Навбахор туманидаги “Ургут” маҳалласида яшовчи тадбиркор Дилором Курбонова 2018 йилда кичик иссиқхона ташкил этган эди. Айни пайтда эса унинг ҳужалигида 5 нафар доимий, 10 нафардан ортиқ мавсумий ишчи фаолият юритмоқда. Иссиқхонада бир неча турдаги сабзавотлар етиштирилиб, маҳаллий бозорларга етказиб берилмоқда.

— Дастлаб ишни бошлаш осон бўлмади, — дейди Дилором Курбонова. — Лекин давлатимизнинг соҳага қаратаётган эътибори, имтиёзли кредитлар ва мутахассислар маслаҳати менга катта ёрдам берди. Ҳозирги кунда иссиқхонамизда йил давомида помидор ва бодринг етиштириб, ҳар мавсумда ўртача 50-60 миллион сўм даромад оляпмиз. Шунингдек, масъуллар “Намунали томорқачи аёл — фаровонлик бунёдкори” лойиҳаси доирасида ўқув-семинарлар ва тренинглар ташкил этаётгани билимларимизни янада оширишга хизмат қилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, иссиқхонада юқори ҳосилдорликка эришиш учун замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, томчилатиб суғориш тизими, сифатли уруғ танлаш ва ўғитлаш жараёнида алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Албатта, бугунги кунда ташаббускор аёллар нафақат ўз оиласининг фаровонлигини таъминламоқда, балки янги иш ўринлари яратиб орқали жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Улар етиштираётган маҳсулотлар эса бозорларимиз тўқинлигини таъминлаяпти.

Зўравонлик муҳитида ўсган бола, одатда, психологик жиҳатдан шикастланган бўлади ёки келажакда шу ҳолатларни такрорлаш хавфи ортиб боради. Бу эса зўравонликни авлоддан-авлодга ўтувчи ижтимоий муаммага айлантириши мумкин. Аксинча, аёл ўзини ҳимояланган, қадрланган ва қўллаб-қувватланган муҳитда хис қилса, у фарзандларига ҳам шу қадриятларни сингдиради. Бундай оилаларда ўсган болалар соғлом фикрлайдиган, масъулиятли ва жамиятга фойда келтирадиган шахслар сифатида шаклланади.

Демак, аёлни ҳимоя қилиш мамлакатнинг стратегик келажакни таъминлашга қаратилган инвестициядир.

Уларнинг ҳар бири ортда зўравонликдан чиқиб, янги ҳаёт бошлаш имкониятига эга бўлган инсон тақдир бор. Демак, давлат сиёсатида жазо ва профилактика билан бир қаторда, реабилитация ҳам марказий ўринни эгалламоқда. Айнан шу ёндашув орқали зўравонликка қарши кураш барқарор ва узоқ муддатли натижаларга эришиш имконини беради.



Талаба қизларга ҲАРБИЙ ТАЙЁРГАРЛИКДАН ЎТИШ ҲУҚУҚИ кафолатланиши мумкин.



Ўзбекистонда энди кўп қаватли янги уйларнинг нафақат фасади, балки том қисми ҳам БАЗАЛТ ҚОПЛАМАСИ БИЛАН ҚОПЛАНАДИ.



Мобиль операторлар фақат телефон кўнғироклари ёки SMS-хабарномалардан иборат АЛОҲИДА ТАРИФ РЕЖАЛАРИНИ ишлаб чиқади.

2026 йил  
4 АПРЕЛЬ,  
ШАНБА

**Ma'halla** №28

5

## “ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

### “ЯШИЛ МАКОН”

Куни кеча пойтахтимизда бунёд этилаётган Миллий дендрология боғида Президентимиз бошчилигида кўчат экиш тадбири бўлиб ўтди. Албатта, дастлабки ниҳолни Юртбошимиз экиб бердилар. Мен бу жараённи кузатар эканман, таҳликали вазиятда яшаётган дунёда Ўзбекистон деган жаннатмакон юрда туғилганимга шукроналар келтирдим.

## “Мен боғ барпо этишга чоғландим, сиз ҳам юринг...”

Зухра АЛИЕВА,  
“Қува ҳаёти” газетаси  
бош муҳаррири.

Халқимиз яратувчи, бунёдкор, меҳнаткаш, тadbиркор ва эзгу ниятларига фақат ҳаракати, келажакка бўлган ишончи туйғули эришадиган халқдир. Президентимиз ўз маърузасида халқимизнинг азалий одатлари, кўчат экиб, боғ яратишдаги фазилатларига алоҳида тўхталиб, бу эзгу қадриятлар бардавом бўлиши кераклигини таъкидлади.

Бугун маҳалла фуқаролар йиғини биносига бораман, кўшилларимиз билан кўчаларимизни янада обод қилиш тўғрисида суҳбат ўтказаман. Президентимизнинг “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш борасида қилган маърузасида белгиланган вазифаларни уларга етказаман. Кейинги сафарим туман хотин-қизлар бўлими фаоллари, журналистлар, ёш ижодкорлар даврасида бўлади.

Зеро, биз оналар ўз фарзандларимизга, набираларимизга, экологик тоза ҳаётни, тинч ва осуда ватанни қолдиришимиз керак.



Қаранг, юртимизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш борасида беш йил давомида ҳар йили 200 миллион туп кўчат экиб келинмоқда. Минглаб гектар майдонларда яшил боғлар, яшил жамоат парклар, кўпгаб мас-сивларда “Янги Ўзбекистон боғлари” барпо этилиши ўз-ўзидан бўлмади, ахир. Юрт раҳбарининг катта эътибори, ташаббуси ва раҳнамолигида Орол денгизининг қуриган тубида яшил ўрмонзорлар яратилди, кўпгаб туманларда сувсизликка чидамли галофит боғлар бунёд этилди. Бу йил “Мен ҳам кўчат экман” ташаббуси доирасида 75 миллион тупдан зиёд дарахт ва бута кўчатлари экилди.

Мен бу рақамлар ичида бизнинг Қува тумани ҳам борлигидан қувонаман. Айниқса, узоқ йиллардан бери қилган орзуларимиз ушалди. Яъни Қарқидон сув омбори ҳудуди қисқа фурсатларда таниб бўлмас қиёфага келди. Кимсасиз ётган адирликлар бағридаги 300 гектар ерга яқин майдонда “яшил белбоғ” ташкил этилиб, 10 минг тупдан зиёд дарахт кўчатлари экилди. Унга яраша сугориш тизими жорий қилинди. Шунингдек, 50 гектар майдонда “Сокин ҳудуд” ташкил қилиниб, Хитой давлатидан келтирилган гуллар ва манзарали дарахтлар экилди. Мен яшаётган туманда маҳаллалар, кўчалар кун сайин обод бўлиб бораётганидан фахрланаман.

Кечаги тадбирда айtilган натижалар, даврадаги олимлар, шоирлар, санъаткорлар, журналистларнинг фикри мени ҳам гоёт тўлқинлантирди, руҳий қувват берди. Етмишдан ошган бўлсам, нима қариб қолибманми, дедим. Эрта тонгда набирам билан томорқамизга 15 туп хурмо дарахти экидик. Икки йил муқаддам экилган гилос кўчатларимизни парвариш қилдик. Токи биздан эртанги кунга яшил боғлар қолсин.

“Омон бўлсин Она Еримиз,  
Тинчлик бизга энг эзгу тилак,  
Мен наслимга – келажакимга –  
Тинч Ватанни беришим керак!”

### МЕНДА САВОЛ БОР...

## “АЖРАШИШНИ ИСТАМАЙМАН, СУД НИКОҲНИ БЕКОР ҚИЛА ОЛАДИМИ?”

Раъно ЭШМАТОВА,  
Фарғона вилояти:

— Оила қурганимизга 4 ой бўлди. Бироқ турмуш ўртоғим ажрашмоқчи, суд бизга ярашиш учун 3 ой муҳлат берган. Мен ажрашишни истамайман, шу ҳолатда 3 ойлик муҳлат тугагач, суд менинг розилигимни ҳам ҳисобга оладими?

Мухтор БОБОЁРОВ,  
оилавий ажралиш ва мулк бўлиш низолари бўйича адвокат:

— Агар ажрашиш тўғрисидаги ариза ФХДёга берилган бўлса, никоҳни бекор қилиш фақат эр-хотиннинг ўзаро розилиги мавжуд бўлгандагина амалга оширилади. Оила кодексининг 42-моддасига кўра, вояга етмаган фарзандлари бўлмаган эр-хотин никоҳдан ажратилиши учун ҳар иккала томон ҳам бунга розилик билдириши шарт. Шу боис агар сиз ажрашишни истамасангиз, ФХДё бу ҳолатни низоли деб баҳолаб, аризани рад этади.

Бироқ агар ариза судга берилган бўлса, вазият бошқача тартибда кўриб чиқилади. Оила кодексининг 41-моддасига асосан, суд эр-хотиннинг ярашиши учун муҳлат (одатда 3 ой) беради. Ушбу муддат тугагач, агар суд оилани сақлаб қолишнинг имкони йўқ деб ҳисобласа, сизнинг розилигингиз бўлмаса-да, никоҳни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. Яъни бу ерда яқиний қарор суднинг ички ишончи ва иш ҳолатларига боғлиқ бўлади.

Шунингдек, сиз суд мажлисида иштирок этмасангиз ҳам, агар сиз тегишли тартибда хабардор қилинган бўлсангиз, иш сизнинг иштирокингизсиз кўриб чиқилиши мумкин. Шу боис агар сиз ажрашишни истамасангиз, суд мажлисида фаол иштирок этиб, ўз фикрингизни аниқ баён қилишингиз тавсия этилади.

### ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

## МЕҲНАТ, САБР ВА ҚАТЪИЯТ — ҲАР ҚАНДАЙ ИШДА МУҲИМ



Етти йил — бу шунчаки вақт эмас, бу — сабр, изланиш ва ўз устида ишлаш мактабидир. Айниқса, ёш бир хунарманд учун бу йиллар осон ўтмайди. Аммо ана шу йўлни матонат билан босиб ўтган йигитлардан бири — Бекзод Холматовдир.

Сардор ТЎХТАМИШОВ,  
Ангор туманидаги  
“Янги турмуш” маҳалласи  
ёшлар етакчиси.

“устоз-шогирд” аъёналарига содиқ қолган ҳолда 7 йил давомида хунар ўрганди. Бу вақт ичида фақат касб сирларини эмас, балки сабрни, чидамни ва меҳнатнинг қадрини ҳам англаб етди. Ва ниҳоят, ўзига бўлган ишонч уни катта қадам ташлашга ундади — Бекзод ўз мебелчилик цехини ташкил этди.

Дастлаб ишни ёлғиз ўзи бошлади. Чунки у ҳар бир қийинчиликни ўз бошидан ўтказиш, ҳар бир босқични ҳис қилиш кераклигини тушунган эди. Бугун эса кичик саноат ҳудудида тadbиркорлигини йўлга қўйиб, ёнида 3 нафар шогирди билан фаолият юритмоқда. Бекзод уларни оддий ишчи эмас, айнан “шогирд” деб атайди — бу эса устозлик масъулиятини чуқур ҳис қилаётганидан далolat.

Бекзоднинг асосий йўналиши — юмшоқ мебель ишлаб чиқариш. Хунарманд йигит ишида энг устувор тамойил — сифат. Чунки у яхши билди: сифатли маҳсулотнинг харидор ишончини қозонади. Қаҳрамонимиз ишлаб чиқараётган тайёр маҳсулотлар Сурхондарёнинг турли ҳудудларидаги дўконларга етказиб берилмоқда. Энг муҳими, кундан-кунга харидорлар сони ортиб борапти. Бу эса унинг меҳнати, сабри ва қатъиятининг амалий натижасидир.



Бекзод — 29 ёшда. Бу ёшда ўз бизнесини йўлга қўйиш, шогирдлар етиштириш — ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бунинг ортида йиллар давомида қилинган меҳнат, ишонч ва журъат бор. Мен ёшлар етакчиси сифатида у каби йигитларни алоҳида эътироф этаман ва бошқаларга намуна қилиб кўрсатаман. Ҳар қандай ишда узулқисзлик ва меҳнат, албатта, ўз самарасини беришини таъкидлайман. Энг муҳими, қўрқмасдан олдинга қадам ташлаш.

### КИМДА ИСТЕЪДОД ЙЎҚДИР...

## ОРЗУЛАР ҲАР ДОИМ ОЙДИНЛИККА ЕТАКЛАГАН



Ҳар бир инсон қалбида болалиқдан бошлаб яширин бир орзу, ички бир интилиш яшайди. Бу орзулар вақт ўтган сайин йўқолиб кетмайди, аксинча, улғайган сари инсонни олдинга етаклайди, уни ўз йўлини топишга ундайди. Менда ҳам шундай ниятлардан бири бор — ҳайкалтарош бўлиш орзуси эди...

Дилнур ЗАРИПОВА,  
Беруний тумани “Сарқоп” маҳалласи.

Биринчи курсдаёқ санъат фестивалида иштирок этиб, иккинчи ўринни қўлга киритдим. Ўша пайтда мен дадамдан илҳом олдим — у киши спорт соҳасида фаолият юритганлари учун мен оғир атлетикачи ҳайкалчини ясадим. Бу иш орқали нафақат ўз маҳоратини синаб кўрдим, балки ўзим учун энг яқин инсондан илҳом олиш қанчалик муҳимлигини ҳис қилдим.

Саҳифани  
“Ma'halla” муҳбири  
Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



5 апрель куни "ИНСОН УЧУН" ШИОРИ ОСТИДА ўтказиладиган Тошкент халқаро югуриш марафониди 2 минг нафарга яқин иштирокчи қатнашади.



Мамлакатимизда 2026 йилдан бошлаб, апрель ойи "МУҲАНДИСЛИК ОЙЛИГИ" деб эълон қилинди.



1 апрелдан Тошкент Ботаника боғи ҳудудида барча турдаги ВЕЛОСИПЕД ВА САМОКАТЛАР ҲАРАКАТЛАНИШИ ТАҚИҚЛАНДИ.

6

Mahalla №28

2026 ЙИЛ 4 АПРЕЛЬ, ШАНБА

# "МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!"

## ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

Кундузги парвариш хизмати — ногиронлиги бўлган болалар ва уларнинг оилалари учун муҳим ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимларидан бири ҳисобланади. Ушбу хизмат орқали болаларга нафақат парвариш, балки тарбия, ижтимоий мослашув ва ҳаётий кўникмаларни шакллантириш имконияти яратилади.

## КУНДУЗГИ ПАРВАРИШ, БУ — ЯНАДА ЁРҚИН КЕЛАЖАК

Муҳайё ТОШҚОРАЕВА, журналист.

Мазкур хизматга асосан, це-ребрал фалаж ташхиси қўйилган ва турли даражадаги аклий заифлик (енгил, муътадил, оғир ва чуқур) ҳамда кўр-кар-соқовлик ҳолатидаги болалар қабул қилинади. Бу эса энг кўп эътибор ва ғамхўрлик талаб қиладиган тоифадаги болаларни хар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади. Кундузги парвариш марказларида болалар учун қулай ва хавфсиз муҳит яратилиб, уларнинг тенгдошлари билан мулоқот қилишига алоҳида эътибор қаратилади. Шу билан бирга, болаларга мустақил ҳаётга тайёрловчи турли кўникмалар ургатилади, жамиятга мослашув жараёни қўллаб-қувватланади. Бу жараёнда ота-оналарга ҳам психологик ва амалий

ёрдам кўрсатилиб, уларнинг юки енгиллаштирилади. Давлат ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида тадбиркорлик субъектларига қатор рағбатлантирувчи тизимларни жорий этган. Хусусан, кундузги парвариш хизматини кўрсатган хар бир кун учун субсидия ажратилади. 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 фоизи, 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар учун эса 27 фоизи миқдориди тўлов амалга оширилади. Шунингдек, вилоят марказлари, Тошкент ва Нукус шаҳарларида фаолият юритаётган марказлар учун субсидия миқдори 1,1 коэффициент қўлланилиши белгиланган. Ижтимоий реестрга киритилган оила фарзандлари учун эса қўшимча равишда субсидиянинг 30 фоизи миқдориди маблағ ажратилиши назарда тутилган.



Умуман олганда, кундузги парвариш хизмати нафақат болаларнинг ривожланиши, балки уларнинг жамиятга ўз ўрнини топишига хизмат қилади. Бу тизим орқали оилалар қўллаб-қувватланиб, имконияти чекланган болалар учун янада ёрқин келажак яратишга замин ҳозирланади.

## ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

# МАҚСАДЛАРИМИЗ МУШТАРАК, ҚАЛБ РИШТАСИ МУСТАҲҚАМ

Бошқаларнинг бахтли ҳаёт кечириши учун қайғуриб яшашнинг гашти ўзгача. Бу туйғунинг тотини фақат маҳалла тизимиди ишлаётган фидойи инсонларгина билади. Халқ ичида юриш, мақсадларнинг ўзаро муштараклиги қалб ришталарини туташтиради.



Мадинабону ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ўрта Чирчик туманидаги "Ўртаовул" маҳалласи ижтимоий ходими.

Шундай ёндашув билан айни вақтда фаолият олиб бораётган маҳалламизда 1 158 та оила ва 1 046 та хонадон мавжуд бўлиб, уларда 71 нафар ногиронлиги бўлган шахс истиқомат қилади. Бундай шахсларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун шароит яратиш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. 2025 йил давомида 8 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро доимий иш билан таъминланди. Бундан ташқари, 25 нафар фуқарога турли кўринишдаги моддий ва амалий ёрдамлар кўрсатилди. Жорий йил бошидан буён маҳаллада 100 дан ортиқ мурожаат қабул қилиниб, уларнинг 95 фоиздан ортиги ижобий ҳал этилди.

Маҳалламиздаги ижтимоий хизматларнинг амалий натижасини аниқ мисоллар орқали ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Пулат Арапов соғлигидаги жиддий муаммолар туфайли оила таъминотида қийинчиликларга дуч келган. Унинг ҳолатини атрофлича ўрганиб, Ижтимоий реестрга киритдик ва ногиронлик гуруҳи белгиланди. Шунингдек, унга болалар нафақаси тайинланиб, амалдаги қарорлар асосида бир неча бор моддий ёрдам кўрсатилди. Фуқаронинг фарзандлари қўшимча таълим ва тарбия жараёнидан четда қолмаслиги учун турли тўғарақларга жалб қилинди. Оила "Саховат ва кўмак" жамғармаси орқали озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди. "Фаол ҳаётга қадам" дастури доирасида эса унинг турмуш ўртоғи қаровчи сифатида бириктирилиб, оила учун барқарор ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими яратилди. Айни пайтда фуқаронинг давола-ниши ва беғул дори-дармон билан таъмин-ланиши бўйича тизимли ишларни давом эттиришми.

Матлуба Отажанова оиласи ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан бири сифатида ўрганилди. Мураккаб ижтимоий аҳволга тушиб қолган ушбу хонадон вакиллари ижтимоий реестрга киритилиб, болалар нафақаси тайинланди ва бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, "Саховат ва кўмак" жамғармаси орқали кийим-кечак, озиқ-овқат ва коммунал тўловлар бўйича ёрдамлар берилди. Хозирда ушбу оиланинг яшаш шароитини яхшилаш, хусусан, уй-жойини таъмирлаш ишлари босқич-ма-босқич амалга оширилмоқда. Умуман олганда, маҳалламизда жорий этилган комплекс ижтимоий хизмат тизими аҳолининг эҳтиёжларини аниқлаш, муаммоларни тезкор ҳал этиш ва манзилли ёрдам кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Энг муҳими, бу тизим инсон кадрини улуғлаш, аҳолининг эртанги кунга бўлган ишон-чини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

## СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...

Президентимизнинг тегишли қарори асосида Бухоро вилоятида жами 89 та хонадонда қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Айни пайтда мазкур ишлар изчил давом эттирилиб, эҳтиёжманд оилалар учун қулай ва замонавий яшаш шароитларини яратиш чоралари кўрилмоқда.

# Энергия тежамкор уйлар — айна эҳтиёжга мос

Зарнигор НАФИДДИНОВА, журналист.

Умладан, Когон шаҳрининг Амир Темир номидаги маҳалласида ушбу дастур самаралари яққол кўзга ташланмоқда. Маҳаллада 2 442 нафар аҳоли истиқомат қилади, улардан 68 нафари ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланади. Маҳалла ижтимоий ходими Мунаввара Раҳмонова эҳтиёжманд оилаларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар олиб бормоқда.



Ана шундай фуқаролардан бири 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган, кўзи ожиз Усмон Раҳматуллаевдир. У икки нафар вояга етмаган фарзандни тарбиялаб келмоқда. Ижтимоий ходим Усмон акани Ижтимоий реестрга киритиб, унга қатор амалий ёрдамлар кўрсатди. Айни пайтда унинг хонадониди таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Уй-жой ногиронлиги бўлган шахс эҳтиёжларига мослаштирилиб, иссиқликни сақловчи изоляция ишлари амалга ошириляпти. Бу эса нафақат яшаш шароитини яхшилаш, балки энергия тежамкорликни таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Шунингдек, Бухоро туманининг Ойбек номидаги маҳалласида истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган фуқаро Шоира Саъдуллаева хонадониди ҳам таъмирлаш ишлари бошланди. Уйнинг эскирган ойналари замонавий энергия тежамкор деразаларга алмаштирилиб, келгусида хонадоннинг ташқи қисми иссиқликни сақловчи материаллар билан қопла-ниши режалаштирилган. Бу эса иссиқлик йўқотили-шини камайтиради, яшаш шароитини сезиларли даражада яхшилади.

Ижтимоий ҳимоя соҳасида амалга оширилаётган бундай амалий ишлар аҳолининг турмуш даражасини ошириш, инсон қадрини манфаатларини таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлиб хизмат қилмоқда.

Саҳифани "Mahalla" муҳбири Шаҳноза РАҲИМҲҲУЖАЕВА тайёрлади.



## БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

# Фарзандни мурувват ва муҳаббат улғайтиради

Ногиронлиги бўлган болаларнинг чекловлари фақат жисмоний эмас, балки руҳий ва ижтимоий жиҳатдан ҳам сезилади. "Мурувват" уйи бу каби гўдаклар учун муҳим ижтимоий марказ ҳисобланади.

Дилшод ШОДИЕВ, журналист.

Ушбу муассаса имконияти чекланган болаларга вақтинча яшаш жойи, таълим, соғлиқни тиклаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш хизматларини тақдим этади. Бироқ, уларни оила даврасига қайтариш руҳий ва ижтимоий соғлигини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга. Жорий йилнинг шу даврига қадар Қарши шаҳридаги "Мурувват" ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйида тарбияланаётган 28 нафар бола оила муҳитига қайтарилди. Улар билан "Инсон" маркази ва маҳалладаги ижтимоий ходимлар тизимли ишлар олиб бориб, "Кундузги парвариш хизмати" ҳамда уйда таълим каби хизматлар билан тўлиқ қамраб олишга ҳаракат қилияпти. Ушбу жараён ўзаро ишонч ва тушунишни мустаҳкамлашга ёрдам беради, шунингдек, болалар учун қулай шароит яратишга хизмат қилади.



Ижтимоий ҳимоя соҳасида амалга оширилаётган бундай амалий ишлар аҳолининг турмуш даражасини ошириш, инсон қадрини манфаатларини таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлиб хизмат қилмоқда.



Президент фармонига кўра, суд ҳужжатлари ижросини таъминлашда СУНЪЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ кенг қўлланади.



Айрим тоифадаги ижро ҳужжатлари бўйича ҚАРЗДОР ВАФОТ ЭТГАНДА, ишни давлат ижрочисининг қарори билан тугатиш амалиёти жорий қилинади.



МУАММОЛИ КРЕДИТЛАРНИ УНДИРИШ билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш ихтисослаштирилган давлат ижрочиларига юкланади.

2026 йил  
4 АПРЕЛЬ,  
ШАНБА

Mahalla №28

7

## “ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

КОНФЕРЕНЦИЯ

### “ОГОҲ ТАДБИРКОР” ФИРИБГАРНИНГ ШУБҲАЛИ ХАТЛАРИДАН ОГОҲ ЭТАДИ

Худудимизда жами 334 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритади, шундан 21 таси юридик шахс, қолганлари яқка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий бизнес вакиллари. Ҳар куни маҳалла кўчаларида юриб, фақат ҳисоботлар билан эмас, балки одамларнинг ҳаёти, уларнинг муаммолари ва орзулари билан ҳам юзма-юз келаман.

Рустам НАБИЕВ, Янгийул туманидаги “Эпкенди”, “Байтиш” ва “Қўшғоғ” маҳаллалари солиқ инспектори.

Маҳалладаги фаолиятим давомида кўплаб ҳолатлар мени ўйлантиради. Баъзи тадбиркорлар даромадларини тўлиқ кўрсатмайди, айримлари хали ҳам фаолиятини расмий рўйхатдан ўйказмаган. Дўконларда чек бермаслик, ишчиларнинг норасмий ишлаши, солиқ ҳисоботларини кечиктириш каби камчиликлар хануз учраб туради. Кўпчилик солиқларни ортиқча юк, деб ҳисоблайди, аслида, улар ривожланиш учун зарур восита эканини етарлича англаб етмаган.

Яқинда маҳалламизда бир воқеа юз берди. Ёш тадбиркор йигит электрон почта орқали “Йирик солиқ тўловчилар бўйича худудлараро солиқ инспекцияси” номидан хат олганини айтиб, мендан ёрдан суради. Хатда унинг фаолиятида камчиликлар борлиги ва зудлик билан хавола орқали маълумот киритиши кераклиги ёзилган эди. Бир қарашда расмийдек туюлган бу хат шубҳали эди.



Вазиятни синчиклаб текширдим. Натижада маълум бўлдики, бу хатлар инспекцияда рўйхатга олинмаган, яъни сохта — фейк хатлар эди. Энг хавфлиси, улардаги ҳаволалар қурилмага зарар етказувчи вирусли файлларни ўз ичига олиши мумкин эди. Мен тадбиркорга муҳим бир ҳақиқатни эслатдим: солиқ ташкилотлари юборадиган барча расмий хатлар фақат солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали келади. Электрон почта орқали юборилган шубҳали хатларга ишониш мумкин эмас.



Шунингдек, хатнинг ҳақиқийлигини текшириш учун ундаги QR-кодни сканерлаб, маълумотни расмий манбалар орқали аниқлаш мумкинлигини тушунтирдим. Бу оддий кўринадиган, аммо жуда муҳим кадам кўплаб муаммоларнинг олдини олади. Бу воқеа менга яна бир нарсани кўрсатди: бугунги кунда муаммо фақат солиққа оид билим етишмаслигида эмас,

балки фуқароларнинг рақамли хавфсизлик борасидаги саоводчилигида ҳамдир.

Шу боис маҳаллада янги ташаббус — “Огоҳ тадбиркор” лойиҳасини йўлга қўйдик. Унда фуқаролар билан мунтазам учрашувлар ўтказиб, нафақат солиқлар, балки замонавий фирибгарлик усуллари ҳақида ҳам тушунтириш бераман. Шундай вазиятлар асосида суҳбатлар, кичик

тренинглар ва хатто интерфасол ўйинлар орқали одамлар ўзини қандай тутишни амалда ўрганмоқда.

Натижада фуқаролар орасида огоҳлик ошмоқда. Эндиликда улар нафақат солиқларни тўғри тўлашга, балки ўз бизнесини турли хавфлардан ҳимоя қилишга ҳам эътибор қаратмоқда. Энг муҳими — маҳаллада ишонч муҳити шаклланимоқда.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Элнур БАҲОДИРОВ, Сурхондарё вилояти:

— Ўзимга тегишли ер участкасини тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи шахсга ижарага берсам, солиқлар қай тартибда ҳисобланади? Шу ҳолатда қандай имтиёз ёки мажбуриятлар мавжуд?

ИЖАРАГА БЕРИЛГАН ЕРГА СОЛИҚ ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ?

Шаҳобиддин ҲАҚНАЗАРОВ, кўчмас мулк бўйича адвокат:

— Солиқ кодексининг 437-моддаси 5-қисмига мувофиқ, агар сизга тегишли бўлган ер участкаси тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун юридик шахсга ёки яқка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилса, мазкур ер учун солиқ одатдаги жисмоний шахслар ставкалари бўйича эмас, балки юридик шахслар учун белгиланган ставка асосида ҳисобланади.

Шунингдек, Солиқ кодексидан назарда тутилган имтиёзлар сизга нисбатан татбиқ этилмайди. Шу боис ер участкасини ижарага беришдан олдин солиқ юки ва молиявий оқибатларни инобатга олишингиз мақсадга мувофиқ. Зарур ҳолларда маҳалладаги солиқ инспектори билан маслаҳатлашиш тавсия этилади.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ҲАЛИЛОВА тайёрлади.

СОЛИҚ МАСЛАҲАТЛАРИ

### Солиқ аудити ҳақида олдиндан хабардор қилинаси!

Кўпчилик фуқаролар ва тадбиркорлар солиқ текшируви ҳақида хабар олганда хавотирга тушиб қолади. Аслида, Солиқ кодексининг 140-моддасига мувофиқ, солиқ ташкилотлари солиқ аудитини тўсатдан эмас, балки камида 30 кун олдин хабар берган ҳолда ўтказишади. Яъни солиқ тўловчи текширувга тайёргарлик кўриш учун етарли вақтга эга бўлади.



Солиқ аудити, бу — солиқ тўловчининг солиқларни тўғри ҳисоблагани ва ўз вақтида тўлаганини текшириш жараёни ҳисобланади. Масалан, бир тадбиркор фаолият юритиб, даромадларидан келиб чиқиб солиқ тўлаб боради. Кейинчалик унга солиқ ташкилотидан хабарнома келади. Хабарномада текширув бошлангандиган сана, текшириладиган масалалар ва тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилади. Бу эса тадбиркорга ҳужжатларни тартибга келтириш ва камчиликларни олдиндан бартараф этиши имконини яратди.

Бундай эслатма муҳим аҳамиятга эга. Чунки кўп ҳолларда фуқаролар ўз ҳуқуқларини билмагани сабабли асоссиз равишда хавотирга тушади ёки текширувга тайёргарликсиз қолади. Аслида, қонун уларга маълум муддат ва аниқ ахборот бериш орқали ҳимоя қилади. Шунинг учун солиқ аудити тартибини билиш текширув жараёнини енгил ва хотиржам ўтказишга ёрдам беради.



Айни йўналишдаги саяёҳаракатлар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг расмий нашрлари — “Ишонч” ва “Ишонч-Дово” газеталарида ўз аксини топаётгани, бу борада таҳририятда шаклланиб ўзига хос мактаб, адабий муҳит катта ўрин тутаётгани таъкидланди. Ушбу нашрларнинг трансформация шароитида замонавий конвергенция йўлига муваффақиятли ўтгани алоҳида қайд этилди.

Маълумот учун, “Ишонч” газетасининг илк сони 1991 йил 21 март куни нашр этилган. Шу вақтдан буён унинг 5 минг 500 дан ортиқ сони муштарийлар қўлига етиб борди.

Ҳар йили газета саҳифаларидан ўрин олган энг сара мақолалар асосида китоблар

Конференцияда конвергенция бўйича Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркия ва Озарбайжон каби давлатларнинг касаба уюшмалари нашрларида ишлаётган мутахассислар ўз чиқишлари билан иштирок этди. Қайд этилганидек, газеталар рақамли трансформация шароитида ўзининг тахлилий моҳиятини сақлаб қолиши ва янада кучайиши зарур. Жумладан, улар тезкор ахборот тарқатувчи онлайн платформалардан фарқли равишда чуқур таҳлил, ҳуқуқий ва ижтимоий шарҳлар, эксперт фикрларига таяниш орқали ўз ўрнини мустаҳкамламоғи лозим.

Шу билан бирга, рақамли конвергенцияни тўлиқ жорий этиш — давр талаби. Веб-сайт ва мобиль иловаларни ривожлантириш, “Telegram”, “YouTube”, “Instagram” каби платформаларда фаол иштирок этиш, турли шаклларда контент тақдим этиш муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, муштарийлар билан интерфасол алоқани кучайтириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, сўровномалар, жонли эфирлар ва очик мулоқот майдонларини ташкил этиш долзарб вазифадир.

Конференцияда конвергенция бўйича Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркия ва Озарбайжон давлатлари тажрибаси ҳақида маълумот берилди, уларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинди. Касаба уюшмалари нашрлари нафақат ахборот манбаи, балки меҳнаткашларнинг овози, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситаси ҳамда ижтимоий адолатни таъминлашнинг муҳим тизимига айланиши зарурлиги қайд этилди.



Ўзбекистонда  
автомототранспорт  
воситасини рўйхатдан  
ўтказиш ҳақидаги  
гувоҳнома  
ЭНДИ 5 ЙИЛ  
МУДДАТГА БЕРИЛАДИ.



1 майдан бошлаб,  
АЛИМЕНТДАН ҚАРЗИ  
БОРЛАР айрим битим-  
ларни амалга ошириш  
ва давлат хизматлари-  
дан фойдаланишида  
чекловлар  
жорий этилади.



1 июндан бошлаб,  
қурилиш объектларида  
ФОН МОНИТОРИНГ  
СТАНЦИЯЛАРИ ВА  
ОНЛАЙН КАМЕРАЛАР  
ишлаб туриши  
мажбурий саналади.

8

Mahalla №28

2026 ЙИЛ  
4 АПРЕЛЬ,  
ШАНБА

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА,  
ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

## ОСОЙИШТА ТОНГ ОТИШИ — ЗАВҚЛИ МЕҲНАТ НАТИЖАСИ

Маҳалла-  
миз  
Зарафшон  
шаҳридан  
40 кило-  
метр, вило-  
ят маркази-  
дан қарийб  
200 кило-  
метр  
олисида —  
Қизилқум-  
нинг қоқ  
марказида  
жойлашган.  
Маҳалла-  
да, асосан,  
унга ном-  
дош кон-  
ишчилар-  
ри ва геолог-  
лар истиқомат  
қилади.

Толмас ЮСУПОВ,  
Зарафшон шаҳридаги  
“Мурунтов” маҳалласи  
профилактика инспектори.

**Х**

удуднинг тинч-  
лик ва осойиш-  
талигини  
сақлаш, аввало,  
хизмат бур-  
чим, қолаверса,  
бу — стратегик  
жиҳатдан ҳам

жуда муҳим. “Маҳалла  
еттилиги” аъзоси сифатида  
2023 йилдан бери ишляяпман.  
Аввал Зарафшон ва Фозгон шаҳар-  
ларида, Нурота, Хатирчи туманла-  
рида тезкор-қидирув хизматида  
фаолият олиб борганим ҳозирги  
ишимда қўл келяпти.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузар-  
ликларнинг олдини олишда “хона-  
донбай” ўрганишлар ўз самараси-  
ни берапти. Ишсизларга, муқад-  
дам жиноят содир этганларга  
ҳамда ижтимоий химояга муҳтож  
оилаларга алоҳида эътибор қарат-  
япман. Ҳамкор ташкилотлар билан  
биргаликда уларнинг муаммосини  
ҳал этишга қўмаклашяпман.

Ёшлар бандлигини таъмин-  
лаш буйича бир неча лойиҳалар-  
ни йўлга қўйдик. Натижада улар  
ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқ-  
бузарликларнинг барвақт олди  
олинапти. “Еттилик” билан бир-  
галикдаги саъй-ҳаракатларимиз  
натижасида 3 йилдан бери “яшил”  
тоифадамиз.

Фаолиятимда бир фикрни ши-  
орга айлантирганман: аҳоли про-  
филактика инспекторини нафақат  
ҳуқуқ-тартибот посбони, балки  
маслаҳатчи, дўст ва ишончли суянч  
сифатида ҳам қадрлаши, ҳурмат  
қилиши керак. Бунинг учун халққа  
яқин бўляпман. Қайси хонадонда  
муаммо бўлса, уларга елкадош-  
ман. Кези келганда, ота-оналарга  
вояга етмаганлар тарбияси буйича  
маслаҳат бериб, оилага ижтимоий  
ёрдам кўрсатяпман.

Маҳалла чўл ҳудудида жойлаш-  
гани боис хонадонлар анча тарқоқ  
жойлашган. Шундай бўлса-да, ҳар  
кунги маҳаллани айланиб, фука-  
ролар билан профилактик ишлар  
олиб боришдан, яқкама-яқка суҳ-  
батлашишдан эринмайман.

Ҳар тонг бепоён чўллар бағри-  
да жойлашган маҳалламизда  
осойишта тонг отишидан завқла-  
наман, кўнглим таскин топади,  
ишимдан кўнглим тўлади. Чунки  
ана шу осойишталик замирида  
менинг ҳам ҳиссам бор.

“Хавфсиз маҳалла”  
концепцияси  
доирасида 5 та  
кўчада 24 та  
кузатув камераси  
ўрнатилди,  
16 та хонадон  
видеокузатув билан  
таъминланди.  
Барча кўчаларга  
тунги ёритиш  
чироклари  
ўрнатилиб, йўллар  
асфальтланди.  
Натижада маҳалла  
тинч ва осойишта,  
хавфсиз жойга,  
нафақат осуда  
яшаш ҳудуди,  
балки бандлик,  
тадбиркорлик  
ва ижтимоий  
қўллаб-қувватлаш  
марказига айланди.



Эй, сиз одамлар, эссиз одамлар...

## ПУЛЛАРНИ КАРТАДА САҚЛАГАН МАЪҚУЛ, АММО...

Ҳозир ёнида нақд пул билан юрадиган одамни кам  
учратасиз. Ишлайдиган, ўқийдиган ёки тадбиркорлик  
билан шуғулланадиган кишилар ҳам пул билан  
бўлган муносабатларини онлайн тўлов тизимлари  
орқали амалга оширяпти.



Маълум қилинишича, вилоят  
ички ишлар бошқармаси ах-  
борот технологиялари соҳа-  
сидаги жиноятларга қарши  
курашиш бошқармаси ҳамда  
Давлат хавфсизлик хизмати  
вилоят бошқармаси ходимла-  
ри ҳамкорлигида 2026 йил 16  
март кунини махсус тезкор-қиди-  
рув тадбирлари ўтказилган.

Жараёнда Хонка туманида туғилган шах-  
слардан иборат жиноий гуруҳ олдиндан тил  
бириктириб, мураккаб фирибгарлик тузилма-  
сини йўлга қўйгани аниқланди. Гуруҳ аъзолари  
бошқа фуқаролар номига очилган банк пла-  
стик карталари ва мобил сым карталаридан  
фойдаланиб, жиноий фаолиятини яшириш-  
га уринган. “Telegram” мессенжери орқали  
бир неча ёпиқ гуруҳлар ташкил этиб, андро-  
ид операциялар тизими учун ишлаб чиқилган  
“АПК” вирусли файлларини тарқатиб келган.  
Натижада фуқароларнинг “telegram” аккаунти  
бузиб кийрилган ва уларнинг яқинларига турли  
сохта хабарлар орқали мурожаат қилинган. Шу  
тарзда пул маблағлари ўтказиб олинди, ушбу  
қўл телефонларига очилган банк пластик кар-  
таларидан маблағлар ечиб олинган.

Тегишсиз равишда вилоят аъ-  
золарининг ижтимоий тармоқдаги ёзишмалари  
ўрганилганда, фуқароларнинг 1 миллиард  
сўмдан ортиқ маблағи ушлаштириб олингани  
маълум бўлди. Уғирланган пулларнинг бир  
қисми вилоят ҳудудидаги банкوماتлар орқали  
нақд пул шаклига келтирилган. Бир қисми эса  
“Binance”, “Bitget” каби криптавалюта плат-  
формалари орқали бошқа шахслар номига ўт-  
казилиб, криптаактивлар айланмасига кири-  
тилган.

Маъмур ҳолат юзасидан вилоят ички ишлар  
бошқармаси тергов гуруҳи Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Жиноят кодексининг 169-моддаси  
3-қисми асосида жиноят иши қўзғатиб, ҳозирда  
тергов ҳаракатлари олиб бориляпти.

Ҳоразм вилояти  
ички ишлар бошқармаси  
ахборот хизмати.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Набижон НОРМАТОВ,  
Мингбулоқ тумани:

— Айрим вазиятларда фуқаролар жино-  
ят ёки ҳуқуқбузарликлар ҳақида профи-  
лактика инспекторига хабар берса-да,  
мурожаат эътиборсиз қолиш ҳолатлари  
учраб туради. Агар профилактика ин-  
спектори аризани вақтида кўриб чиқма-  
са, бунинг учун жавобгарлик борми?

Инспектор  
аризани  
вақтида  
кўриб  
чиқмаса...

Бекмурод БЕКИМБЕТОВ,  
Ички ишлар вазирлиги Жамоат  
хавфсизлиги департаменти  
ахборот хизмати ходими:

— Албатта, жавобгарлик бор. Агар  
профилактика инспектори жиноят  
ҳақидаги аризани қабул қилиб, қонун-  
да белгиланган муддатда кўриб чиқ-  
маса ва натижаси буйича қарор қабул  
қилмаса, қонунни бузган ҳисобланади.

Жиноятлар тўғрисидаги аризалар,  
хабарлар ва бошқа маълумотларни  
қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки  
кўриб чиқиш хизмат вазифаларига  
кирадиган мансабдор шахснинг жино-  
ятни ҳисобга олишдан қасддан яши-  
риши Жиноят кодексининг 241-мод-  
дасида назарда тутилган базавий  
ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари-  
дан юз бараваригача миқдорда жа-  
римага сабаб бўлади. Ёки уч йилгача  
ахлоқ тузатиш ишлари, икки йилдан  
беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд  
беш йилгача озодликдан маҳрум қи-  
лиш билан жазоланади.

**И**

улларни карта-  
да сақлаш яхши,  
лекин уни назорат қилиш ҳам бу-  
гун долзарб аҳамият касб эътипти,  
салгина эътиборсизлик қилинса,  
маблаг кибержиноятчилар “ўлжа”-  
сига айланаяпти. Ҳоразм вилояти-  
да кибержиноятларнинг олдини  
олишга қаратилган тезкор тадбир-  
да ана шундай иш билан шуғул-  
ланган йирик жиноий гуруҳ фао-  
лияти фож этилди.

Ушбу сондаги  
барча мақолалар  
матнини мусаххих  
Феруза ФУЗАЙЛОВА  
ўқиди.



Саҳифани  
“Mahalla” муҳбири  
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ  
тайёрлади.



Mahalla

Ўзбекистон  
маҳаллалари уюшмасининг  
ижтимоий-сиёсий,  
маънавий-маърифий газетаси  
Бош муҳаррир:  
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ  
Дизайнерлар:  
Лазиз Мейликов  
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси  
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар  
агентлиги томонидан  
2024 йил 7 майда  
№271590 рақами билан  
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY  
NASHRLARI» МЧЖ  
Таҳририят манзили:  
100192, Тошкент шаҳри  
Мустақиллик шох кўчаси 59-уй.  
Телефонлар:  
71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК  
босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили:  
Тошкент шаҳри  
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер  
марказида саҳифаланди ва  
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.  
8 743 нусхада чоп этилди.  
Буюртма №: Г-420

